

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВА НОЗИМА НУРМУХАМАДОВНА

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Каримова Нозима Нурмухамедовна

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини
ривожлантириш 3

Каримова Нозима Нурмухамедовна

Развитие профессиональной компетентности будущих преподавателей
профессионального образования..... 23

Karimova Nozima Nurmukhamadovna

Development professional competence of the future teachers of vocational
education..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВА НОЗИМА НУРМУХАМАДОВНА

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped394 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
Педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
Педагогика фанлари доктори, доцент

Дехканова Маъмура Улмасовна
Педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.48.01 илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй, Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz)

Диссертация билан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ да ___ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э. Қурбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю. Ашурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби п.ф.н., доцент

З.К. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим соҳасидаги ривожланиш тенденцияларига мос равишда таълим стандартларини компетенциявий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро педагогик тажрибалар таълим сифатини битирувчиларнинг компетенция даражаси асосида баҳолаш ва дизайнер педагогларда касбий компетентликни таълимнинг инновацион технологиялари воситасида ривожлантириш, таълимнинг янги парадигмаларини ишлаб чиқиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурлари орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларидан комплекс фойдаланиш ҳамда дидактик воситаларнинг интегратив имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратилган.

Жаҳонда касбий таълим жараёнини компетенциявий ёндашув ва замонавий усуллар асосида лойиҳалаш, амалга ошириш ва ривожлантиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш долзарблигича қолмоқда. Хусусан, касбий компетентликни ривожлантириш ва бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга оид тадқиқотлар олиб борилаётган Princeton University (АҚШ), Manchesters University (Англия), National Advice on Pedagogical Technology (Англия), Belfield Pedagogical University (Германия), Таълим технологиялари навигатори ахборот-методик маркази (Россия) ва Seoul Cyber University (Жанубий Корея) каби нуфузли илмий тадқиқот таълим марказларида салмоқли амалий натижаларга эришилган.

Мамлакатимизда самарали касбий таълим тизимини жорий этишга қаратилган туб ислохотлар натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ва ахборот-методик имкониятлари кенгайтирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифаси белгиланган. Шу нуқтаи назардан бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг амалдаги методикаси ва ўқув-услубий таъминотини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотлиму тахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. – Б.39.

ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб таълимини ривожланиш жараёни ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Қ.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, О.Х.Тўрақулов, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Ж.А.Ҳамидов ва бошқаларнинг ишларида атрофлича ёритилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълимини такомиллаштириш муаммолари бўйича О.А.Абдуқудусов, С.Ю.Ашурова, Қ.М.Абдуллаева, К.Д.Мирсаидов ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Касб-ҳунар таълимида “компетенция” ва “компетентлик” каби тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, касбий компетентликни шакллантириш, ривожлантириш ва диагностика қилиш масалалари республикамиз олимлари Қ.М.Абдуллаева, Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, О.А.Қуйсинов ва бошқалар, хорижий мамлакатларда В.И.Байденко, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, А.И.Кулешова, А.К.Маркова, Н.В.Скачкова, А.В.Хуторский, R.Boyasis, K.Kameron, R.Kuinn, R.Marr, Dj.Raven, S.Uiddet, S.Holliford томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак дизайнернинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари бўйича Ю.М.Бундина, Е.В.Габдрахманова, П.А.Ковешников, С.А.Муртазина, И.Б.Торшина ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Тадқиқот иши муаммосига оид илмий изланишлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш, касбий компетентлигини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг давлат дастурлари ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-148-рақамли “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” ҳамда А-1-141-рақамли “ОТМ педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web-технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини аниқлаш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясининг дидактик имкониятларини ўрганиш ва такомиллаштириш;

касб таълими талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини моделлаштириш ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи электрон таълим ресурслари ҳамда ўқув-услубий таъминотини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини ва натижани баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида касб таълими йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакли, методи ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида касб таълимининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаштиришга имкон берувчи илмий-манбаларни таҳлил этиш, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни танқидий ва қиёсий ўрганиш, суҳбат, кузатиш, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлиги таркибий тузилмаси касбий ва шахсий сифатлар (ташаббускорлик, ҳамкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш) ҳамда психологик хусусиятлар (интуиция, кузатувчанлик, хотира)нинг ўзаро боғлиқлигига асосланиб оптималлаштирилган;

умумкасбий ва ихтисослик фанларининг интегратив машғулотлари (fashion illustration, casual) асосида талабаларнинг ижодий яратувчанлик

қобилиятларини ривожлантириш методикаси визуаллик, ижодий тафаккур ва бадий лойиҳалаш композициялари асосида такомиллаштирилган;

дизайнерлик фаолиятидаги образли тасавурни характерловчи ихтирочилик ва мантикийликнинг интенсив ривожланишига қаратилган “Эвристик”, “Силуэтни излаш”, “Резюме” ва “Sketchbook” каби таълим методларини умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда қўллаш орқали касбий таълимнинг такомиллаштирилган ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги сифат кўрсаткичлари (лойиҳалаш, креативлик, технологик) ва тайёргарлик даражаларини (юқори, ўрта ва паст) квалиметрик ёндашув асосида такомиллаштириш орқали баҳолашнинг объективлик хусусиятлари (автоматик, ҳаққонийлик, интегративлик) кенгайтирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

5111000 - Касб таълими (5150900 - Дизайн (костюм)) таълим йўналиши ўқув режасидаги умумқасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув дастурлари, ўқув-методик таъминоти, жумладан “Дизайн тарихи” фани бўйича ўқув қўлланма, “Амалий антропология асослари” фанидан лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича услубий қўлланма, “Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш бўйича махсус амалиёт” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетентликни ривожлантиришга қаратилган Auto Play Mediya Studio ва Macromedia Flash дастурлари асосида “Дизайн тарихи”, “Амалий антропология асослари” фанларидан электрон таълим ресурслари яратилган ва амалда фойдаланилмоқда;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва диагностика қилиш бўйича ҳаммуаллифликда “Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” монография, умумқасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув машғулотларини олиб борувчи ўқитувчилар учун умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган “Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси” номли ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқ қилинаётган ҳодисаларга нисбатан турлича ёндашувларнинг қўлланганлиги, натижаларни таҳлил қилишга янги парадигмалар нуқтаи назаридан ёндашилгани; тажриба-синов иштирокчилари танланмасининг репрезентативлиги; тадқиқотнинг назарий-экспериментал босқичидаги фаразларнинг статистик жиҳатдан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган тузилма, методика, модел,

ўқув қўлланма, яратилган электрон таълим ресурслари, яъни ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини тизимли-фаолиятли ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, касб таълимини ривожлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, касб таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, касб таълимида ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлиги таркибий тузилмаси, касбий ҳамда шахсий сифатлар ва психологик хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигига оид таклифлар асосида дизайннинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденциялари, дизайнда тарихийлик тамойиллари, дизайн турлари, дизайн ва креативлик, дизайнда лойиҳалаш услублари, дизайннинг фалсафий ахлоқий масалаларига бағишланган “Дизайн тарихи” ўқув қўлланма тасдиқланган (рўйхатга олиш рақами-355-007, 2014 й.). Ушбу ўқув қўлланма бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда дизайн таълими самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

талабаларнинг ижодий яратувчанлик қобилиятларини ривожлантириш методикасини визуаллик, ижодий тафаккур ва бадиий лойиҳалаш композициялари асосида такомиллаштиришга доир ишлаб чиқилган ўқув-услубий таъминоти ва “Дизайн тарихи” ва “Амалий антропология асослари” фанлари бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратилган ва амалиётга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 89-03-2074-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий таъминот талабаларда ижодий яратувчанлик қобилиятларини, лойиҳалаш, технологик ва креатив компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилган;

“Эвристик”, “Силуэтни излаш”, “Резюме” ва “Sketchbook” каби таълим методларини умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда қўллаш орқали талабаларни касбий компетентлигини оширишга оид тавсиялар асосида “Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси” ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 89-03-2074 сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий қўлланма бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда мустақил ва амалий фаолиятга йўналтириш, ўз ўзини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 6 та республика ва 3 та хорижий давлат журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, Диссертациянинг ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети шакллантирилган; илмий янгилиги баён қилинган; олинган натижаларининг ишончлилиги асосланган; назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “компетенция”, “компетентлик”, “касбий компетентлик”, “педагогик компетентлик”, касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги, касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлиги тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган ва касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлиги тушунчасининг мазмуни муаллифлик талқини нуқтаи назаридан ёритилган. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги мазмунини таҳлил қилишда касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлигининг интегратив функцияларини аниқлаш натижасида касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги мазмуни ёритиб берилган.

Дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги тузилиши, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг индивидуал психологик хусусиятлари ва муҳим шахсий сифатлари ёритиб берилган.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги - ўз мутахассислиги бўйича эгаллаши керак бўлган компетенциялари, муҳим шахсий сифатлари ва индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, узлуксиз билим олиш, ўз-ўзини такомиллаштириш, касбий билимларини бевосита амалиётда қўллаш олиш, янги инновацион технологияларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ эта олиш, ишга ижодий ва масъулиятли ёндашиш, ўз фаолиятига алоқадор барча муаммоларни тушуниш, вазифа қўя билиш ва аниқ муаммоларга ечим топа олиш қобилиятидир.

Бўлажак костюм дизайнери кийим моделлари эскизлари устида иш олиб бориш жараёнида турли график тасвирлаш усулларини ва техникаларни қўллаш, дизайн-лойиҳасида қўлланган бадиий воситаларни ва ижодий концепцияни асослаш, замонавий мода ва микроуслугларни истиқболли йўналишини ҳисобга олиб либослар тўпламини дизайн-лойиҳасини ишлаб чиқиш, дизайн маҳсулотлари модели (макети) ва намуналарини ярата олиш бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Ушбу билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллай олиши лойиҳалаш компетенцияси сифатида таърифланиди. Лойиҳалаш компетенцияси чуқур билим, маҳорат ва ижодий тажрибалар асосида лойиҳалаш масалаларини ечиш имконини беради.


Костюм дизайнерининг елка ва бел кийимларини, устки кийимларни тикиш, кийим тикишнинг энг самарали усулларини қўллаш учун замонавий жиҳозларни танлай олиш, турли газламалардан тикилган буюмларга намлаб-иситиб ишлов бериш технологияси орқали шакл бериш, тикув буюмларининг технологик нуқсонларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларини амалий фаолиятда қўллай олиши унинг технологик компетенцияга эга эканлигини билдиради.

Костюм дизайнерининг дизайн ва моданинг замонавий йўналишини, лойиҳалаш жараёнининг ижодий манбалари, замонавий бадиий компьютер дастурларини, янги моделларни мустақил танлаш ва асослаш турли материалларнинг нақш ва фактураларини тасвирда акс эттириш, композицион категориялар, воситаларни қўллаб турли тасвирий техникаларда замонавий либослар эскизларини яратиш, турли ижобий манбаларга асосланиб костюм шакллариининг образли эскизларини чизиш, инсон қоматининг ўзига хос тузилишига, костюм нимага мўлжалланганлигига, кишининг ёшига қараб кийим силуэтини танлаш, турли ассортимент ва жинс гуруҳлари ҳамда вазифасини ҳисобга олиб, костюм композициясини (кийим, бош кийим, оёқ кийим ва аксессуарлар) яратиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни амалий фаолиятда қўллай олиши креатив компетенциясида ўз ифодасини топади.

Олиб борилган таҳлилларга асосланиб Дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Ушбу тузилмада костюм дизайнери эгаллаши керак бўлган махсус касбий компетенциялар ва муҳим шахсий ва касбий сифатлари келтирилган, ҳамда касбий компетентликни баҳолаш мезонлари шу тузилмадан келиб чиқиб аниқланган.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда умумкасбий ва ихтисослик фанларининг мазмуни ва аҳамияти, касбий компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда дизайн таълим муҳити, бўлажак касб таълими ўқитувчилари




1-расм. Дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги тузилмаси

касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси, касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели, дизайнернинг ижодий фаолиятини ва касбий компетентлигини

ривожлантирувчи эвристик методлар, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб амалий машғулотларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ёритилган.

5111000-Касб таълими (5150900 - Дизайн (костюм)) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда умумкасбий ва ихтисослик фанларининг ўзига хос салмоқли ҳиссаси бор. Улар эгалланиши лозим бўлган мутахассисликни ўрганишнинг асосини ташкил этади.

Тадқиқот давомида умумкасбий ва ихтисослик фанларининг мазмуни ва фанларнинг қайси компетенцияларни ривожлантиришга қаратилганлиги таҳлил қилиб чиқилди (2-расм).



2-расм. Касбий компетентликни ривожлантиришда умумкасбий ва ихтисослик фанларининг интегратив мазмуни

Умумкасбий фанлар блокада “Рангшунослик”, “Материалшунослик”, “Дизайн тарихи”, “Чизма тасвир ва ранг тасвир”, “Лойихалаш”, “Костюм тарихи”, “Реклама ва дизайн”, “Композиция асослари”, “Фэшион менежмент ва маркетинг” фанлари ўқитилади. Ихтисослик фанлар блокада “Костюм дизайни”, “Тикув буюмлар технологияси”, “Тикув буюмларини конструкциялаш”, “Амалий антропология асослари” фанлари ўқитилади.

Юқоридаги фанлардан олинган билимларни амалда қўллаш имконияти айнан тўрттинчи босқичда ўқитиладиган “Тикув буюмларини конструкциялаш” фанида амалга оширилади. Тикув буюмларининг дизайн лойиҳасини яратиш, конструкциялаш мураккаб ижодий жараён ҳисобланади. Кийим дизайни ва конструкциясини яратиш жараёнида кийимни ташкил этадиган материаллар пакети, кийим композицияси хусусиятлари, моделнинг газлама хусусиятларига мос келиши, мода талабларига жавоб бериши, шунингдек уларни ўзаро бириктириб тикиш орқали яхлит буюм ҳолига келтириш усуллари, воситаларидан самарали фойдаланиш, безак ва рангларни тўғри танланиши муҳим аҳамиятга эга.


Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, талабалар куйи курсларда олган билимларини юқори курсда интегратив амалий машғулотлар (fashion illustration, casual) жараёнида қўллаш орқали ўзларининг касбий компетентликларини ривожлантириб борадилар. “Тикув буюмларини конструкциялаш” фани бўйича амалий машғулотларда шу таълим йўналишидаги барча умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича эгалланган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакалар, яъни фанларнинг интегратив мазмуни амалда қўлланилиб, талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга ёрдам берди.

Таълимдаги тизимлилик ва кетма-кетликни, турли ўқув фанларига оид тушунча, қонун ва назарияларнинг ўзаро боғлиқ таъсирчан омили сифатида талқин этиш лозим, чунки фанларнинг интеграциялашуви умумлашган билимларни шакллантириш, улар мазмунини чуқурлаштириш ва бойитиш имконини беради.

Дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш орқали ривожлантиришда таълимнинг эвристик, ривожлантирувчи, креатив, интерфаол методларидан фойдаланилди. “Тикув буюмларини конструкциялаш” фанини ўқитиш жараёнида ҳар бир мавзунини мазмуни, мақсадидан келиб чиқиб таълим методлари қўлланилди.

Дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчисининг креатив компетенциясини ривожлантиришда Sketchbook методини қўллаш яхши самара берди.

Sketchbook - бу дизайнернинг ғоялари мажмуи бўлиб, ўзида ёзма ва визуал материалларни мужассам этади. У ғояларни татқиқ этишга, ўрганишга, режалаштириш ва ривожлантиришга, баҳолаш ва лойиҳаларни муҳокама қилишга ёрдам берувчи методдир.



3-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели

У бошқа дизайнерларнинг тажрибаларни ўрганиш ва ўзида тўсатдан пайдо бўлган ғояларни ифодалашга имкон берди. Sketchbookни юритиш ҳар қандай ижодий ишнинг асосий элементи ҳисобланади. У талабаларда фантазияни, ижодий-яратувчанлик қобилятини ривожлантириб, янги ғояларга илҳомлантиради. Sketchbook сифатида катта бўлмаган альбом ёки блокнотдан фойдаланилди. Талабалар Sketchbookда берилган топшириқ бўйича турли хил қоралама эскизлар, чизмалар ва расмларни чизиш, ёқиб қолган расмларни ёпиштириш, ҳар бир саҳифасини маълум бир услубда безаш ва шунга ўхшаш жарёнларни бажардилар. Натижада уларда дизайн-лойиҳасини тайёрлашда ижодий манбаларни тўғри танлаш, эскизларни сифатли бажариш кўникмаси ва креатив компетенцияси ривожланди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисида касбий компетентликни ривожлантиришда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил таълимни амалга ошира олиш, ўз-ўзини баҳолаш катта аҳамиятга эга ва бунда “Силуэтни излаш” методини қўллаш мақсадга мувофиқ. У баҳолашнинг янги шаклига йўналтирилган ўз-ўзини баҳолаш методи ҳисобланади. Талабалар “Костюм дизайни”, “Тикув буюмларини конструкциялаш” фанларини ўрганиш жараёнида “Силуэтни излаш” методи асосида эскиз лойиҳаларини тайёрладилар. Натижада талабаларда ихтирочилик, мантиқийлик, мустақил ишлаш, ижодий жараёнларни лойиҳалаш кўникмалари ривожланди.

Илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ҳамда амалий педагогик тажрибадан келиб чиқиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (3-расм).


Модел бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш мақсади (иш берувчи талабларига мос келувчи рақобатбардош касб таълими ўқитувчиси, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш), мазмун (умумкасбий ва ихтисослик фанларини интегратив мазмунини асосида касбий компетентликни ривожлантириш босқичлари, касбий компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ва муҳим шахсий сифатларни аниқлаш, педагогик жараён (таълим методи, таълим шакли, таълим воситасини аниқлаш ва ишлаб чиқиш), натижа (бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожланиш даражасини аниқлаш) орқали педагогик амалиётга жорий этилди.

Умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув-методик таъминотни яратишда мазкур фанларга оид мультимедиа электрон таълим ресурсларини жорий этишга эътиборга қаратилди.

Дизайнерлик фаолияти бевосита амалий фаолият натижаси эканлиги боис, бўлажак дизайнернинг касбий компетентлиги кўпроқ умумкасбий ва ихтисослик фанларидаги амалий машғулотларда ривожлантирилди.

Тадқиқот жараёнида “Амалий антропология асослари” фанидан ҳамда “Дизайн тарихи” фанларидан электрон таълим ресурслари яратилган бўлиб унда фанга оид ўқув-меъёрий ҳужжатлар, фан дастурлари ва ишчи дастурлар, баҳолаш мезонлари, ўқув-услубий мажмуа, мавзулар бўйича таълим

технологиялари, амалий машғулоти ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар, амалий машғулоти йўриқномаси, технологик харитаси, амалий машғулоти ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар, амалий машғулоти йўриқномаси, технологик харитаси, амалий машғулотлар бўйича мультимедиялар, слайдлар,



4-расм. Электрон таълим ресурслардан фойдаланиб амалий машғулоти ташкил этиш тузилмаси

анимациялар, таълимий видеофильмлар, автоматик баҳолаш тизими, электрон кутубхона, мустақил таълим топшириқлари ва мустақил ишларни бажариш бўйича йўриқномалар жой олган. Амалий машғулотларда электрон таълим ресурсларидан унумли фойдаланиш натижасида талаба ўқув материални тез ва қулай усулда, яъни кўриш, эшитиш ва идрок этиш орқали чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш ҳамда мустақил таълим олиш имконияти вужудга келди. Электрон таълим ресурси маълум тузилмага эга бўлиб, унда керакли маълумотни излаш, тез топиш, такрорлаш, амалиётда кўрсатиш имкони бўлмаган вазиятларни кўриш, тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш имконияти яратилди (4-расм).

Диссертациянинг “**Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг таҳлили**” деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишларининг қўйилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишида умумқасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида ўқитиш ҳамда инновацион таълим методлари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантиришга, мустақил ва амалий фаолиятга йўналтиришга, ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган методика ишлаб чиқилди ва ушбу методикани амалиётда синаб кўриш мақсади белгиланди. Тажриба-синов иши вазифаларига қуйидагилар киритилди: бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантиришда умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича ишлаб чиқилган ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини ҳамда методик таъминоти самарадорлигини таҳлил қилиш; тажриба-синов ишини яқунлаш ва натижаларини қайта ишлаш.

Тажриба-синов ишлари 2012–2018 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Бухоро муҳандислик-технология институтида олиб борилди. Тажриба-синов ишларига юқорида қайд этилган олий таълим муассасаларидан 232 нафар респондент жалб этилди.

Тажриба-синов гуруҳида ўқитиш ишлаб чиқилган методик таъминотни қўллаган ҳолда амалга оширилди. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларнинг касбий компетентлик кўрсаткичлари (лойиҳалаш, креатив, технологик) бўйича умумий натижалар қуйидагича бўлди:

1-жадвал


Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларнинг касбий компетентлик даражалари

Талабаларнинг касбий компетентлик даражалари	Тажриба-синов гуруҳида m=114		Назорат гуруҳида n=118	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Юқори	15 (13,1%)	35 (30,7%)	18 (15,3%)	22 (18,6%)
Ўрта	53 (46,5%)	67 (58,8%)	52 (44%)	59 (50%)
Паст	46 (40,4%)	12 (10,5%)	48 (40,7%)	37 31,4%)

1- жадвалдан кўринадики, касбий компетентликни ривожланиши бўйича натижалари қуйидагича бўлди:

- назорат гуруҳларида дастлабки босқичда 15,3% талаба юқори даража кўрсатган бўлса, охириги босқичда 18,6% талаба юқори даражага эришди, тажриба-синов гуруҳларида эса дастлабки босқичда 13,1% талаба юқори даража кўрсатган бўлса, охириги босқичда 30,7% талаба юқори даражага эришди;

- ўрта даражадаги талабалар сони назорат гуруҳларида дастлабки босқичда 44% бўлган бўлса, охириги босқичда бу кўрсаткич 50% ни ташкил этди, тажриба-синов гуруҳларида дастлаб бу кўрсаткич 46,5% бўлса, тажриба охирида 58,8 % га эришилди;
- паст даражадаги талабалар сони назорат гуруҳларида 40,7% дан 31,4 % га камайди, тажриба-синов гуруҳларида эса 40,4% дан 10,5% га камайди.



5-расм. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларнинг касбий компетентлик даражалари диаграммаси

Тажриба-синов натижаларининг ҳаққонийлигини аниқлаш учун К. Пирсон томонидан таклиф этилган χ^2 (*hii*-квадрат) мезонидан фойдаландик.

2-жадвал

χ^2 - мезони учун ишчи жадвал

Даража-лар	Ўзлаш-тириш кўрсаткичлари (частотаси) f_E	Ўзлаш-тириш кўрсаткичлари (частотаси) f_K	Ўзлаш-тириш кўрсаткичлари (частотаси) f'_E (%)	Ўзлаш-тириш кўрсаткичлари (частотаси) f'_K (%)	$(f'_E - f'_K)$	$(f'_E - f'_K)^2$	$\frac{(f'_E - f'_K)^2}{f'_K}$
паст	12	37	10,5	31,4	-20,9	436,81	13,91
ўрта	67	59	58,8	50	8,8	77,44	1,54

юқори	35	22	30,7	18,6	12,1	146,41	7,87
	$\sum f_E = 114$	$\sum f_k = 118$	100 (%)	100 (%)	0	$\chi^2 \approx 23,32$	

Ҳисоблашлар натижалари асосида $\chi_{emp}^2 \approx 23,32$ эканлиги аниқланди. Тадқиқотимизда эркинлик даражаси $\nu = C-1 = 3-1 = 2$ ва бу эркинлик даражаси учун χ^2 – мувофиқлик мезони махсус жадвали бўйича 95 % ишончлилик оралиғи учун $\chi_{krit95\%}^2 = 5,99$, 99 % ишончлилик оралиғи учун эса $\chi_{krit99\%}^2 = 9,21$ қийматлар тўғри келади.

Тадқиқотимиз натижаларини математик-статистик усул ёрдамида қайта ишлаш $\chi_{emp}^2 > \chi_{krit99\%}^2 > \chi_{krit95\%}^2$ тенгсизлик ўринли эканлигини тасдиқлайди. Яъни, $23,32 > 9,21 > 5,99$. Бу эса эришилган самарадорлик статистик жиҳатдан тўғри дейишимизга асос бўлди.

ХУЛОСА

1. Касбий компетентлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини очиб беришда ватанимиз ва хорижий педагог олимларнинг фикрлари ўрганилиб, касбий компетентлик бўлажак касб таълими ўқитувчисининг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишида, рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик ва касбий билимлари интеграцияси асосида касбий-педагогик компетентлик тушунчаси мазмунини ўрганиш орқали ҳамда педагог олимларнинг касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги бўйича илмий тадқиқотлари ва хорижий манбалар асосида “компетенция”, “компетентлик”, “педагогик компетентлик”, “касбий-педагогик компетентлик”, “касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилинди, касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги компонентлари ва омиллари асослаб берилди.

3. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетентликни ривожлантиришнинг психологик-педагогик жиҳатлари таҳлили асосида Дизайн (костюм) таълим йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларга таянган ҳолда махсус касбий компетенциялар белгиланди.

4. Касб таълими ўқитувчисининг эгаллаши зарур бўлган махсус касбий компетенциялари ва шахсий сифатларини мувофиқлаштириш асосида Дизайн

(костюм) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги тузилмаси ишлаб чиқилди.

5. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари (диққат, кузатувчанлик, ҳиссиёт, идрок, хотира, тафаккур, тасаввур, фантазия, ирода) ҳамда муҳим шахсий сифатлари (ҳамкорлик қила билиши, зиддиятларни ечиш, ташаббускорлик кўрсатиш, ўз зиммасига масъулият олиш, гуруҳ ишини ташкил этиш) муҳим омил эканлиги аниқланди.

6. Умумкасбий ва ихтисослик фанларининг интеграцияси ҳамда касбий компетентликни ривожлантириш босқичлари асосида мақсад, мазмун, педагогик жараён ва натижани ўз ичига олган касбий компетентликни ривожлантириш модели ишлаб чиқилди.

7. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини интеграциялаш ҳамда ўқув-методик таъминотини оптималлаштириш, мустақил, амалий ва ижодий фаолиятга йўналтиришда эвристик, ривожлантирувчи, креатив, интерактив методларини тизимлаштириш асосида Дизайн (костюм)) таълим йўналиши бўйича касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилди.

8. Касб таълими йўналишлари битирувчилари касбий тайёргарлик даражаларини ташхислашда компетенциявий талабларнинг параметрлари ва сифат кўрсаткичлари асосида касбий компетентликни баҳолаш мезонлари такомиллаштирилди.

9. Педагогик тажриба-синов натижалари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган касбий компетентликни ривожлантиришга қаратилган методика ва ўқув-методик таъминот самарали экани, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлик даражалари ошганлигини кўрсатди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар:

олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув дастурлар, ўқув-услугий қўлланмалар, тавсиялар, электрон таълим ресурслари ва ишланмалар яратилса мақсадга мувофиқ бўлади;

Дизайн (костюм) таълим йўналиши бўйича касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда умумкасбий ва ихтисослик фанларини мустақил, амалий ва ижодий фаолиятга йўналтирувчи таълим методлари асосида ўқитишни такомиллаштириш зарур;

олий таълим муассасаларида талабаларнинг нафақат аудиторияда балки аудиториядан ташқарида ҳам ўз касбий компетентликларини ривожлантиришда дизайн таълими муҳитини шакллантириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ИННОВАЦИОННОГО
РАЗВИТИЯ, ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И
ПЕРЕПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ СИСТЕМЫ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ИНСТИТУТ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ, ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
КАДРОВ СИСТЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

КАРИМОВА НОЗИМА НУРМУХАМАДОВНА

**РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ
ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.PhD/Ped394.

Диссертация доктора философии (PhD) по педагогическим наукам выполнена в Институте инновационного развития, повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров системы профессионального образования.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.vocedu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Муслимов Нарзулла Алиханович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хамидов Жалил Абдурасулович
доктор педагогических наук, доцент

Дехканова Маъмура Улмасовна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
технический университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.48.01 при Институте инновационного развития, повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров системы профессионального образования (адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, дом 76. Тел.: (99871) 246-92-17, факс: (99871) 246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института инновационного развития, повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров системы профессионального образования (зарегистрирована за №__). Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, д. 76. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Ш.Э. Курбонов

Председатель научного совета по
присуждению научных степеней, д.п.н., проф.

С.Ю. Ашурова

Секретарь научного совета по
присуждению научных степеней, к.п.н., доц.

З.К. Исмаилова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
научных степеней, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом сообществе особое внимание уделяется совершенствованию стандартов образования на основе компетентностных требований в соответствии с тенденциями развития в сфере образования. Международный педагогический опыт направлен на оценку и признание качества образования по уровню компетентности выпускников, разработку новых моделей развития профессиональной компетентности педагогов-дизайнеров посредством инновационных технологий образования, комплексное использование в дизайнерском образовании традиционного и современного обучения посредством информационно-коммуникационных технологий и программ, эффективное использование возможностей современных методов и дидактических средств обучения.

В международном сообществе одной из актуальных педагогических задач является создание научно обоснованной системы проектирования, реализации, организации образовательного процесса, его управления и развития на основе компетентностного подхода и современных методов. В таких авторитетных научно-исследовательских центрах, как Princeton university (США), Manchesters university (Великобритания), National Advice on Pedagogical Technology (Великобритания), Belfield pedagogical university (Германия), информационно-методический центр “Навигатор образовательных технологий” (Россия), Seoul Cyber University (Южная Корея), осуществляющих исследования по совершенствованию развития профессиональной компетентности и подготовке будущих педагогов к профессиональной деятельности, достигнуты эффективные результаты в данной области.

В результате осуществляемых в нашей стране коренных реформ, направленных на внедрение основанной на национальном и мировом опыте эффективной системы подготовки кадров, развивается программно-методическое обеспечение организации образования, расширяются организационно-педагогические условия и возможности подготовки будущих преподавателей профессионального образования. Вместе с тем существует необходимость повышения эффективности процесса подготовки будущих преподавателей в высших образовательных учреждениях по направлению профессионального образования. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² в качестве важной задачи сегодняшнего дня определено дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение возможностей качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высоко квалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, в связи с которыми является актуальным совершенствование обеспечения электронно

² О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Указ Президента Республики Узбекистан. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

образовательными ресурсами и учебно-методической обеспечением процесса повышения уровня профессиональной компетентности будущих преподавателей профессионального образования а также разработка механизмов оценки результатов образования.

Данная диссертация в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Постановлениях № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, № ПП-3151 от 27 июля 2017 года “О мерах по дальнейшему расширению участия сфер экономики и отраслей в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием”, № ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах” и других задач, определенных в нормативно-правовых документах, соответствующих данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Проблемы процесса формирования и развития закономерностей и тенденций профессионального образования освещены в работах таких исследователей, как Р.Х.Джураев, У.И.Иноятлов, З.К.Исмаилова, П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, К.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов, У.К.Толипов, О.Х.Туракулов, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Ж.А.Хамидов, Д.О.Химматалиев.

Таковыми учеными, как О.А.Абдукудусов, С.Ю.Ашурова, К.М.Абдуллаева, К.Д.Мирсаидов и другие, осуществлены исследования проблем повышения профессиональной подготовки будущих преподавателей, совершенствования преподавания специальных дисциплин и производственного образования в профессиональных колледжах.

Изучением и анализом сущности и содержания понятий “компетенция” и “компетентность”, исследованиями вопросов развития, формирования и диагностики профессиональной компетентности занимаются такие отечественные ученые, как К.М.Абдуллаева, Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, О.А.Куйсинов и другие, а также такие ученые зарубежных стран, как В.И.Байденко, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, А.И.Кулешова, А.К.Маркова, Н.В.Скачкова, А.В.Хуторский, R.Boyasis, K.Kameron, R.Kuinn, R.Marr, Dj.Raven, S.Uiddet, S.Xolliford и другими.

Научные исследования проблем формирования и развития профессиональной компетентности будущих дизайнеров проводятся такими

учеными, как Ю.М.Бундина, Е.В.Габдрахманова, П.А.Ковешников, С.А.Муртазина, И.Б.Торшина и другими.

Анализ научных изысканий и литературы по проблеме настоящего исследования показал, что в республике существует потребность в научных исследованиях по развитию профессиональной компетентности будущих преподавателей профессионального образования на основе современного подхода и данная потребность определяет актуальность темы исследования.

